

САДРИДДИН
САЛИМОВ

ЭРКА
ҚУШИМ

ОЛТИН
БЕЛАНЧАК



САДРИДДИН САЛИМОВ

ЭРКА ҚУШИМ



Шеърлар

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

«ЁШ ГВАРДИЯ» НАШРИЁТИ

ТОШКЕНТ — 1979

Садриддин Салимов шеъримизнинг сўнги бўғинига мансуб иқтидорли, адабий жамоатчилик ихлос қўйган ёшлар тоифасидан. Қаламининг сеҳри бор, фикр томиб туради қаламидан. Бунинг устига у таъби ўткир, яхши таълим олган, таҳсили ҳам теран. Ёзганлари унинг замонини чуқур фаҳм этишидан, ватанини қаттиқ севишидан, халқи тарихига, халқи заҳмати-га, халқи садоқатига бефарқмаслигидан далолат беради. Ҳам ўйлаб, ҳам куйлаб ёзадиганга ўхшаб кетади. Мисраларида музика бор.

Шеърлари мазмунли, янги, ўқиганларига ўхшамайди. Шундан бўлсами, яхши, мазмунли шеърлари ҳали хомроқ, рангпарроқ, музикаси ҳам қоқиликроқ. Бировларникига ўхшаганидан кўра шундай бўлгани яхши, бориб-бориб бақувват тортади, тўлишади, балоғатга етади, ўзига хос парвоз қилади. Бундайлар парвоз қилганда кўкда бўрон турса ажаб эмас. Бундай майдонга кираётганларни ҳозирча кечириш керак. Чунки, улар ўз камчиликларини, яъни «бундай»ликларини ўзлари ҳам яхши билишади, аммо кучлари етинқирамайди.

Қўлингиздаги тўплам мана шунақа ҳам катта парвоздан далолат беради, ҳам катта камчиликлардан. Лекин зарбали полапон, бўлали полапон. Албатта, баъзи шеърлар китобхонга тугалланмагандай, фикрлар ногирондай кўринади, баъзилари норавон, яна баъзилари сакта, мағзи ҳам пучроқ сезилади. Булар ҳаммаси ёш шоирнинг шошилиб катта бўлаётганидан. Шарқда тез оқувчи сув ўз-ўзини чайиб, тинитиб, ювиб, шишадай қилиб боради, дейишади. Шоирларининг шеърлари ҳам худди шундай, бир-бирини суяб, бир-бирини тўлдириб боради, бир-бирига жўр бўлиб. Мен Садриддиннинг шеърларини ана шу тоғ жилғаларига, балқиб, югуриб тушиб келгувчи шаршараларга ўхшатаман.

Садриддин ҳали ёш, наинки фикрлари, у фикрлари ўзларининг ранглари, бадий бўёқлари билан тўлдиргувчи мисралари ҳам ёш. Мен бу шеърларнинг ҳали орқаларидан бақувват, кўркам, сўлим, дилбар шеърлар, туркумлар, дostonлар бошлаб келишларига инонаман, бу бахтиёр кунларни кўришга у билан, унинг дўстлари билан бирга шошиламан.

ТУРОБ ТўЛА

Қувонч бўлиб деразангни қоқаман,
Занжирланган дарвозанг очилади.
Кўзгу бўлиб хаёлингга боқаман,
Кафтларимга сирларинг сочилади.

Севги бўлиб кўзларингни ёқаман,
Муаммолар, тугунлар ечилади.
Оҳанг бўлиб мавжим билан оқаман,
Очилмаган юрагинг очилади.

ҚОР

Бутун замин қоғоз каби оқ,
Унда шеърин ёзади шамол.
Булутларнинг бағрида титроқ,
Шамол сўзи уларга малол.

Очилади осмоннинг юзи,
Қор бағрига киради қуёш.
Тугаётир шамолнинг сўзи:
Совуқ. Совуқ.
Тугайди бардош.

Юлдузлар ҳам музлади кўкда,
Музлаб қолди шамол-ғазалхон.
Мўриларнинг рақибн йўқ-да,
Нафас олаётир беармон.



ИСМОИЛ СОМОНИЙ МАҚБАРАСИ ЕНИДА

Тошлар куйламоқда тақдирларини,
Тошлар куйламоқда, тинглайди дунё.
Тошлар куйламоқда қалб сирларини,
Куйламоқда гўё Ўрта Осиё.

Тошларни куйлаётган бобом қўллари,
Тошларни куйлаётган занжирбанд қўллар.
Узундир, чигалдир мозий йўллари,
Лекин ярим йўлда қолмади куйлар.

Занжирбанд қўлларнинг озод овози —
Янграмоқда ҳамон.
Қалбда бор дардим,
Озод бўлганда-чи, унинг парвози
Балки етти қават кўкка етарди...



БУХОРО ЭРТАГИ

Бор эди, йўқ эди, қалъа бор эди,
Бор эди, йўқ эди, салла бор эди.
Бор эди, йўқ эди, бор эди зиндон,
Обхонада қолиб кетмас-ку, армон.
Бор эди, йўқ эди, алла бор эди:
«Тонг отар, тонг отар, тўнг отар, ўғлон!»
Бор эди, йўқ эди, бор эди отам,
Нор эди, йўқ эди, дардимга малҳам.
Бор эди, йўқ эди, бор эди жаллод,
Отамни ўлдирди, ўлдирди, ҳайҳот!
Бор эди, йўқ эди, дардимга малҳам.
«Тонг отар, тонг отар, тонг отар, болам!»
Бухоро бор эди, Бухоро-ку, бор —
Беқалъа, бесалла, бетож бахтиёр.
Отамнинг орзуси хазон бўлмагай,
Бухоро ўлмагай, сира ўлмагай.
Бухоро тонгида кезмоқда баҳор,
«Куртаклар тафтидан эриётир қор».

Шилдир-шилдир оқяпти ариқча,
Елкасида маҳтобию юлдузи.
Шилдир-шилдир оқяпти ариқча,
Қўшиқ каби жарангламоқда сўзи.

Шилдир-шилдир оқяпти ариқча,
Қиқир-қиқир кулгусида бахти бор.
Ҳисларим ҳам оқяпти бу кеча,
Ҳисларимга қоришиб кетар баҳор.

Шилдир-шилдир оқяпти ариқча,
Елкасида умидию орзуси.
Ариқ бўлиб оққим келди бу кеча,
Кўзларимда ариқчанинг кулгуси...



САВОЛ-ЖАВОБ

(Дўстим Усмонга ҳазил)

— Осмондаги булутлар Қоракўл терисидай,
Миноранинг бошига телпак тикса бўларми?
Осмондаги булутлар Қоракўл терисидай,
Сайёранинг бошига телпак тикса бўларми?

— Осмондаги булутлар Қоракўл терисидай,
Бошоғриқ бўлмасин деб аёзларда бу фалак.
Осмоннинг булутларин ерга қўндириб атай
Мен оламнинг бошига қўндиргум тикиб телпак.

* * *

Майсалар оқади қирлар тўшида,
Хур-хур шамол уларни шилдиратар.
Майсалар оқади қирлар тўшида,
Чанқоқ пода бош кўтармай симираар.

Майсалар оқади қирлар тўшида
Тўлқинланиб-тўлқинланиб беармон.
Майсалар оқади қирлар тўшида,
Тўлқинида куйлаб бормоқда чўпон.

ЛАБИ ҲОВУЗИ ДЕВОНБЕГИДА

Ҳовуз бетидаги ажинлар
Эртак каби туюлди бу кеч.
Ҳовуз бетидаги ажинлар
Асрларки кетмайдилар ҳеч.

Ҳовуз бетидаги ажинлар
Юзларимга солдилар ажин.
Ҳовуз бетидаги ажинлар
Аждодларим дардларимикини!!



Гул экдилар, очилди гул,
 Тарқаб кетди куйлари.
 Ўтди сакраб тикан симдан
 Малоҳатли бўйлари.

Ёмон кўздан асрайлик деб,
 Тўрт томондан ўрашди.
 Синмасин деб шамолларда
 Ҳар кун юз бор қарашди.

Шамолларни имлагай у
 Юлдузларга силкиб бош.
 Тушларида кўринади
 Уни чорлаган қуёш.

Гул экдилар, очилди гул,
 Боғладилар қўлларин.
 Ўтди сакраб тикан симдан
 Малоҳатли бўйлари.

Титраган пичаилар пичирлар,
 Сомонхона мудрайди.
 Имиллаб ўтмоқда кечалар,
 Ойни шамол судрайди.

Титраган пичаилар пичирлар,
 Тилларида гапи бор.
 Кўзини юмганча сигирлар
 Ковшайди безътибор.

Титраган пичанлар пичирлаб
 Баҳорини қўмсайди.
 Тилидан сирғалар кўп сирлар:
 «...Қайта униб бўлсайди...»



Кипригингда титрайди хаёл,
Тамом бандсан унинг домида.
Кўзларингда шуълаи висол,
Нозланасан унинг комида.

Кипригингда титрайди хаёл,
Хуркитмайман ўйингни бу дам.
Хаёлингда кўринган иқбол,
Хаёлингда эҳтимол мен ҳам...



★ ★ ★

Уммон ичра туғилди балиқ,
Шўх тўлқинлар бешиқдир унга.
Шу бешиқда доим у тирик,
Кумуш мавжлар қўшиқдир унга.

Тўлқинларда жон топди балиқ,
Тўлқинларга мангу жон фидо.
Тилаги бор сендан, эй борлиқ,
Тўлқинлардан айлама жудо!



Мен билмадим дунёда қачон,
Қайдан пайдо бўлмишдир ёлғон!
Қачон адо бўлади ёлғон!
Мен билмадим,
Шу менда армон.

Мен билмадим дунёда қачон,
Қайдан пайдо бўлмишдир ҳасад!
Қачон ундан қутулар инсон!
Мен билмадим,
Шу менда ҳасрат.

Мен дунёдан ўтганим замон
Айтсаларки, эди беармон,
Айтсаларки, эди беҳасрат,
Йўқ, ишонманг, бу бари ёлғон...



КУРТАКЛАР

Юлдузларнинг ёғдусини
Кўтариб туриб бошга,
Илдизларнинг орзусини
Етказарлар қуёшга.

Шу ҳаётнинг бору йўгин
Кафтларида тутарлар;
Илдизларнинг қўшиғини
Куйлаб-куйлаб ўтарлар.



ТУРТЛИКЛАР

Султон Жўрага

Уқ узилди, шоирнинг хаёли узилди,
Уқ узилди, нурланган мисралар бузилди.
Уқ узилди, узилди бир аскар жони, воҳ!
Сўнг қонли, оташии мисралар тизилди.

ШОИР

Хоҳи ғамгин хоҳ лабда нулгу,
Дақиқалар ўтади бир-бир.
Шул лаҳзани оламда мангу
Шеър ичра мен тутмоққа қодир.

ТАСКИН

Кўлмак дер: «Сокиндир денгиз ҳам»,
Шабнам дер: «Бевафо кундуз ҳам».
Ялтироқ қурт айтур: «Тун ёниб —
Кундузи ўчадир юлдуз ҳам».

* * *

Онамдан меҳр ҳиди таралган каби,
Шоирдан шеър ҳиди таралган каби,—
Анқисин шеъримдан ўзимнинг ҳидим,
Деҳқондан ер ҳиди таралган каби.

КУЙ ШАКЛИ

Жон киради дуторга — сайрар қиллар,
Шўх оҳанг мавжидан яйрайди қўллар.
Куйдай оқиб чиқди бир гулрў, қаранг,
Саҳнада сержаранг куй шаклланар.

Чўмилмоқда она ер тўйиб,
Кўкдан тушар тизилиб маржон.
Бехавотир у чўмилсин деб
Парда билан тўсилган осмон.

* * *

Қабрлар тошида қисқа хат турур,
Шаҳидлар қабрида қон — тилхат турур.
Қирмизи қон аро ўқилур шу гап:
«Ватаннинг бахтида бизнинг бахт турур».

* * *

Йиқилди, бўғзида қолди васият,
Йиқилди армони, қайғу, севинчи.
Йиқилди осмондан юлдузи, фақат —
Йиқилмади унинг зафар ишончи.

МАКТУБЛАР

Аснарлардан келарди мактуб:
«Севган ёрим, кўзларим толди.
Толмадингми сен мени кутиб!
Ғалабага энди оз қолди».

Хатлардаги орзу ва умид
Юракларга зўр ишонч солди...
Афсус, кўплар бўлдилар шаҳид,
Мактубларда орзулар қолди.

* * *

Ёш билан ювмоқчи бўласан
Юзингдаги гуноҳни, э воҳ!
Ёш билан ювмоқчи бўласан
Ювилгайми гулбадан, риё!..

Ёш билан ювмоқчи бўласан,
Истайсанки, юзинг бўлсин пок.
Ёш билан ювмоқчи бўласан,
Кўз ёшларинг етмагай бироқ.

* * *

Парча-парча оқ булут
Юлдузлар бетин артар.
Фазони қамрар сукут,
Кел, гулрўйим, тонготар.
Парча-парча оқ булут
Ойни ҳам ялтиратар.
Қўшиқ айтаман ёниб,
Кел, гулрўйим, тонготар.
Парча-парча оқ булут
Ғуборни олиб кетар.
Барча қаҳрингни унут,
Кел, гулрўйим, тонготар.

* * *

Тонггача ун элади осмон,
Шамол «ғув-ғув» этмоқда исён.
Замин гўё катта тоғора,
Дунё учун
Хамир қормоқ
Эмасдир осон.
Тандирга ўт қалади осмон,
Тутун каби булутлар равон.
Енг шимариб турипти онам,
Куюк бўлмас,
Ишонаман,
Тандирдаги нон.

Дўстим Ориф, Олимга

Тут терардик учовлон бир дарахтдан,
Тут терардик уч ўғлон бир дарахтдан.

Тирмашардик она-тут қўлларига,
Чирмашардик она-тут қўлларига.

Тушмас эдик елкасидан эрта-кеч,
Аямасди она-тут меҳрини ҳеч.

Қолиб кетди болалик тут шохида,
Афсус, шохдан тушолмас гоҳ-гоҳида...

Тут терардик учовлон бир дарахтдан,
Тут терардик уч ўғлон бир дарахтдан.

ХАЁЛ

Чумчуққа ҳам парвоз бор, ахир,
Чумчуқда ҳам бор икки қанот.
Чумчуқда ҳам овоз бор, ахир,
Ўзи тўқир дилидан баёт.

Бургутман деб осмонда ўйлар
Парвоз қилган маҳали жасур.
Булбулман деб бу мискин куйлар,
Чумчуқда ҳам хаёл бор, ахир.

* * *

Шамол қолар қиз сочин торта,
Шитоб билан паровоз елар.
Тутунларни қолдириб ортда,
Менинг орзум поездда келар.

Қиз сочлари ортда паришон,
Хитоб билан паровоз елар...
Тутунлари тарқайди тамом,
Менинг орзум поездда келар.

* * *

Ҳар бир ғунча аввал менинг юрагимда гуллайди,
Ҳар бир япроқ аввал бўлар юрагимда заъфарон.
Тонгда қуёш аввал менинг юрагимда сўйлайди,
Мен шоирман, онажон.

Ҳар бир ғунча аввал менинг юрагимда гуллайди,
Кейин гулга бурканади баҳор келиб кенг жаҳон.
Тонгда олам аввал менинг юрагимда куйлайди,
Мен шоирман, онажон.

Дарахтга осилган заъфарон барглар —
Яшиллик давридан хотира бўлиб.
Яқинда новдасин барглар тарк этар,
Кетар хотиралар абадий сўлиб.

Менинг қалбимда ҳам ётурлар қат-қат —
Хотиралар — ўтган севинч ҳамда ғам.
Хотиралар кетмас қалбимдан ҳеч вақт,
Агар улар кетса, бўлмайман мен ҳам!



Ингирманчи аср...
 Заминни ўзлаштирдик,
 Замонни ўзлаштирдик,
 Осмонни ўзлаштирдик,
 Инсонни ўзлаштирдик.
 Қолдимикан яна сир,
 Ингирманчи аср!

Асримизда сунъий —
 Ҳавони яратолдик,
 Самони яратолдик.
 Сунъий сув яратдик биз
 Ва туйғу яратдик биз.
 Асримизда сунъий —
 Нонни ҳам яратолдик,
 Қонни ҳам яратолдик.
 Сунъий қор яратдик биз
 Ва баҳор яратдик биз.
 Қолдимикан яна сир,
 Ингирманчи аср!

Сунъий сўз яратдик биз,
 Алдадик ўзимизни.
 Сунъий кўз яратдик биз,
 Алдадик кўзимизни.
 Сунъий дил яратдик биз,
 Меҳрдан бўлдик жудо.
 Сунъий тил яратдик биз
 Ва ишонч бўлди адо.
 Эй, менинг улкан асрим,

Иўқ эрур сенга қаҳрим,
Лекин ёрилар қалбим
Сунъий ишқ яратилса
Ё қўшиқ яратилса.

Ёрилар менинг қалбим
Сунъий жон яратилса
Ё инсон яратилса,
Ё имон яратилса...

Лекин мен ишонаман:

Одамлар сунъий бўлмас,
Аламлар сунъий бўлмас,
Қаламлар сунъий бўлмас.
Қолдимикан яна сир,
Йигирманчи аср!..





Ўчирмоқчи гулханни қиров,
Тун гулханни этмоқчи қамал.
Қаро тунни куйдириб олов
Хонатласдай товланар ял-ял.

Оловдан кўз узолмас чўпон.
Оловга у бўлади шайдо.
Кўйлаклари хонатлас, жонон,
Хаёлида бўлади пайдо...
Тун қўйнида саҳро мудрайди,
Гулхан билан ўпишар эпкин.
Хишир-хишир сас-ла умиди
Меҳмон бўлиб ё келдимикин!..



Куйлагайсан, эрка қушим,
Дилинг нени хушласа.
Тебранади мовий насим
Куйинг йўлга бошласа.

Бировларнинг кўнгли учун
Минғирламоқ сенга ёт.
Нени кўриб бўлсанг мафтун
Сайрагайсан шу заҳот.

Парларингни суюб тарар
Тонг шамоли беминнат.
Ювинтирар, кийинтирар
Сени она табиат.

Сен бировга, биров сенга
Қарам эмас, қушгинам.
Хуркаяпсан энди нега,
Дилда борми ё шубҳанг?

Куйлайвергин, то тирикман —
Сенга йўқдир хавф-хатар.
Завқ, ғамингга мен шерикман
Тарқатавер хушхабар.

Кўзларим ичида унмоқда дарахт,
Кўзларим ичида япроқ шовқини.
Кўзларим ичида унаётир бахт.
Унаётир дунёнинг куни, туни.

Дарахтни авайлаб асрашим керак,
Дарахтга хиёнат этмагай кўзлар.
Кўзларим ичида унар камалак,
Юрагимда жой олгандир илдизлар.
Кўзларим ичида дарахт гуллайди,
Кўзларим ичида шовуллар бахт ҳам.
Юрагим заминга бирам ўхшайди.
Унда гуллайди олам.



БАҲОР ТУНИ

Бу кеч туининг жамоли тиниқ,
Ой кезади беозор.
Йўлда икки ўрам соч янглиғ
Солланади дарахтзор.

Тарамоқдан тинмагай энди
Япроқларни шўх шамол.
Япроқлардан анқир шеър ҳиди,
Кел, кўйлайлик, ойжамол.

* * *

Биринчи тушларни эсларми одам!
Биринчи тушларим бўлганди ширин.
Онам оғушлари тушларда қолган,
Онам оғушида қолган тушларим.

Илк тушлар қўйнида бўлмагай алам,
Илк тушлар қўйнида бўлмагай армон.
Илк тушлар қўйнида мусаффо олам,
Қўмсайман уларни, қўмсайман ҳамон.

Жаранг-журунг, жаранг-журунг...
Осмон қулогига етади овоз,
Жарангида қувонч бордир, йўқдир мунг.
Жаранг-журунг билан этарди парвоз —
Бухоролик Ҳусайни зангўласоз.

Карвонлар ҳам ўтиб кетдилар бир-бир,—
Қўнғироққа шайдо бўлиб ўтди кун,
Бедор бўлиб қарши олди дала-қир,
Жарангидан хурсанд бўлди қишу ёз
Бухоролик Ҳусайни зангўласоз.

Ҳамон тинмас зангўлалар жаранги,
Юрагини Ҳусайн этди қўнғироқ.
Сукунатни қасдма-қасдга оҳанги —
Синдиради. Жисми бўлгандир тупроқ.
Зангўла ясарди ўқимай намоз
Бухоролик Ҳусайни зангўласоз.



МУНДАРИЖА

- 3 ҚУВОНЧ БЎЛИБ ДЕРАЗАҒНИ ҚОҚАМАН
- 4 ҚОР
- 5 ИСМОИЛ СОМОНИЙ МАҚБАРАСИ ЁНИДА
- 6 БУХОРО ЭРТАГИ
- 7 ШИЛДИР-ШИЛДИР ОҚАЯПТИ АРИҚЧА
- 8 САВОЛ-ЖАВОБ
- 8 МАЙСАЛАР ОҚАДИ
- 9 ЛАБИ ҲОВУЗИ ДЕВОНБЕГИДА
- 10 ГУЛ ЭКДИЛАР
- 11 ТИТРАГАН ПИЧАНЛАР
- 12 КИПРИГИНГДА ТИТРАЙДИ ХАЁЛ
- 13 УММОН ИЧРА ТУҒИЛДИ БАЛИҚ
- 14 МЕН БИЛМАДИМ ДУНЁДА ҚАЧОН
- 15 КУРТАКЛАР
- 16 ТЎРТЛИКЛАР
- 17 КУЙ ШАКЛИ
- 18 МАКТУБЛАР
- 18 ЁШ БИЛАН ЮВМОҚЧИ БЎЛАСАН
- 19 ПАРЧА-ПАРЧА ОҚ БУЛУТ
- 19 ТОНГГАЧА УН ЭЛАРДИ ОСМОН
- 20 ТУТ ТЕРАРДИК
- 20 ХАЁЛ
- 21 ШАМОЛ ҚОЛАР ҚИЗ СОЧИН ТОРТА
- 21 ҲАР БИР ГУНЧА
- 22 ДАРАХТГА ОСИЛГАН ЗАЪФАРОН БАРГЛАР
- 23 ЙИГИРМАНЧИ АСР
- 25 ЎЧИРМОҚЧИ ГУЛХАННИ ҚИРОВ
- 26 КУЙЛАГАЙСАН ЭРКА ҚУШИМ
- 27 КЎЗЛАРИМ ИЧИДА УНМОҚДА ДАРАХТ
- 28 БАҲОР ТУНИ
- 28 БИРИНЧИ ТУШЛАРНИ ЭСЛАРМИ ОДАМ
- 29 ЖАРАНГ-ЖУРУНГ

На узбекском языке

Садриддин Салимов

ВОЛЬНАЯ ПТИЦА

Стихи

Издательство «Ёш гвардия»,
Ташкент — 1979

Редактор С. Барноев
Рассом Б. Хайбуллин
Расмлар редактори Э. Валиев
Техн. редактор Г. Аҳмаджонова
Корректор М. Ортикова

ИБ № 742

Босмахонага берилди 5.IV.1979 й. Босишга рухсат этилди
20. VI. 1979 й. Формат $70 \times 90^{1/32}$. № 1. Босма қоғозга «Жур-
нальная рубленая» гарнитурда юқори босма усулида бо-
силди. Босма листи 1,0. Шартли босма листи 1,17. Нашр
листи 0,65. Тиражи 8000. Шартнома № 160—78. Баҳоси 10 т.
Р—13589. Заказ № 126.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» наш-
риёти, Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси
ишлари Давлат Комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия
ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 2-босмахона. Янги-
йўл, Самарқанд кўчаси, 44.

70403-67
С $\frac{70403-67}{356(04)-79}$ 57—79

С 26

САЛИМОВ САДРИДДИН.

Эрка қушим. Шеърлар / Сўз боши Т. Тўла.
Т. «Ёш гвардия», 1979.—32 б.—[Олтин беланчак].
САЛИМОВ С. Вольная птица. Стихи.

ББК 84Ўз7
Уз2

Садриддин Салимов — Бухорода яшаб ижод қилади. Немис тили бўйича мутахассис. Жуда кўп мутолаа қилади. Ҳажми кичик, мазмуни чуқур шеърлар ёзади. У, ёшликни, жўшқинликни, севги ва садоқатни куйлайди.



Хоҳи ғамгин, хоҳ лабда кулгу,
Дақиқалар ўтади бир-бир.
Шул лаҳзани оламда мангу
Шеър ичра мен тутмоққа қодир.

